– 2001 йилда 10 ойлик ўқув курсини тугатиб қайтгач, аҳоли билан ишлаш ҳам назарий ҳам амалиётдаги тажрибангни янада оширар экан. Аслида бемордан касаллик тарихини сўрасанг деярли 60 фоизини ўзлари айтиб беришади. ҚВПмиз худудида 5640 сонли аҳоли истикомат қилади. Уларнинг ҳар бирини оилавий аҳоли билан танишиб, қалбларига йўл топомқни ўзи бўлмас экан. Мени айтмоқчи бўлганим, уллардаги тиббий саводхонлики ошириш ишлари бироз кийинроқ кечди. Чунки айрим инсонлар касаллиқни ўтказиб юборсаларда, шифокорга мурожаат этмайдилар. Касаллиқни яширишга ҳаракат қиладилар. Энди ана шу каби муаммоларга чек қўйилмоқда. Чунки, ҚВПларнинг тарғиб этилиши ва тиббиёт ходимларининг аҳоли орасига кириб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишлари бундан мустасно эмас. Ўқиб жараёнида «Болалар ўртасидаги сурункали танзилит касаллиги ва унинг олдини олиш» лойиҳасини олган эдим. Бу борада олиб борган ишларим ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Касаллиқни олдини олиш осон кечмоқда. ҚВПмизда бир кунда 40-50 та беморни қабул қиламиз. Худудимизда 2 та боғча, 3 та мактаб, лицей бўлиб, уларни доимий тиббий куриқдан ўтказиб борамиз.

Хозирги кунда қон босими касалликларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш билан шуғулланяпман. Демак, умумий амалиёт шифокори эканмиз, тиббиётнинг ҳар бир қиррасини чўқур ўрганиб, янгиликлар сари интилишимиз, иш тажрибамизни ошириш вақти келди.

Сўровнома

Азиз муштарий! Бугун сизнинг эътиборингизга Сирдарё вилоятининг Миробод туманидаги «Наврўз» кишлоқ врачлик пункти худудида яшовчи аҳолининг «Саломатлик» лойиҳаси доирасида олиб бораётган ишлари тўғрисидаги фикрларини ҳавола қиламиз.

Исми шарифингиз: Эгамбердиева Одина, 55 ёш.
Турар жойингиз: Мирзаобод тумани, Сельпо кишлоғи.

ҚВПнинг номи: Наврўз ҚВП.

– ҚВПдаги тиббиёт ходимлари сизга қандай хизмат кўрсатмоқда?

– Уларнинг кўрсатаётган тиббий хизматларидан миннатдорман.

– Бундан 3 йил олдин тиббий хизмат қандай эди?

– Хозирги тиббий хизмат 3 йил олдинги шароитдан кўра 70 фоиздан юқорирак. Чунки, ўз малакасини ошириб қайтган умумий амалиёт шифокори ва ҳамшираларнинг меҳнати туфайли халқнинг тиббий саводхонлиги ошмоқда.

– Врач билан ҳамширанинг меҳнат фаолиятидаги фарқи қандай?

– Деярли фарқи йўқ десам ҳам бўлади, лекин касаллиқни олдини олишда ва аҳоли билан ишлашда ҳамшира муҳим ўрин тутмоқда.

– ҚВПга мурожаат қилганингизда натижа қандай бўлди?

– Биргина мисол: лабораторияни оладиган бўлсак, тахлилий натижаларни кутиб ўтиришга ҳожат йўқ. Ўша вақтнинг ўзида тахлил аниқланиб берилади.

– Уйингизга келаётган ҳамшира қайси мавзуларда суҳбатлар ўтказиб, касалликлар тўғрисида қандай маълумот ва маслаҳатлар берапти?

– Қон босими, сил, диарея, кўз, қулоқ, бурун, томоқ, саратон, ошқорзон юқумли касалликлари ҳамда ҳимладорлиқни олдини олиш тўғрисида суҳбатлар ўтказишиб, имкон қадар маслаҳат ва амалий ёрдамлар кўрсатмоқдалар.

– ҚВПдаги тиббий асбоб-анжомлар тўғрисида нима дея оласиз?

– Шуниси қувончлики, бундай қимматбаҳо хорижий тиббий асбоб-анжомлар беғойда тургани йўқ, чунки ҳар бири ўз ўрнида ишлатилмоқда.

– ҚВП тўғрисида фикр ва мулоҳазаларингиз?

– Агар асосий фикримни айтадиган бўлсам, ҚВПнинг очилиши ва бугунги кундаги фаолияти аҳолига ўта даражада энгиллик туғдирди.

– ҚВПни фаолият бошлагани сизларга қандай қулайликлар туғдирди?

– Аввалги оворагарчиликлар йўқ. (Марказий шифохоналарга мурожаат қилиш қамайиб, даволаш ва муолажа ишлари шу ернинг ўзида бажарилмоқда).

– ҚВП тўғрисидаги танқидий фикрларингиз.

– Хозирча танқидий фикрим йўқ.

УМРЛАРИ ЗИЁДА БЎЛСИН



Норбўта Холиқова – Мирзаобод тумани Сельпо кишлоғи.

– Мана, 90 ёшни ҳам қоралаб қолдим. Бугунги кунда кўзим кўрмайди, қулоғим эшитмайди. Лекин ҳаётимдан, турмуш тарзимдан нолимайман. Ў ёғини сўрасангиз II жаҳон урушида иштирок этиб, она-Ватаним учун кўплаб қуролдош дўстларим билан жанг майдонларида душманларга қарши курашда бўлдим. Юртимга қайтган меҳнат фаолиятимни тугилиб ўсган кишлоғимда давом эттирдим. Турмуш ўртоғим билан ўн нафар фарзандни воёга етказиб, уйли-жойли қилдик. Йиллар ўтаверибди. Соғлиққа эса аста-секинлик билан пўтур етганини билмай қолибман. Яхиямки, бизнинг соғлиғимизни ўйлайдиган, муҳофиза қиладиган тиббиёт ходимлари бор экан. То кўзим кўриб, қулоғим эшитиб турғунча тиббиёт соҳасида бўлган янгиликлардан хабардор эдим. Бу борада менда бундай касалликларнинг пайдо бўлиши ва қон босими касаллигининг безовта қилиши мени ҳамда оила аъзоларимни ташвишга туширган эди. Шундай кунларда «Наврўз» кишлоқ врачлик пунктининг очилиши аини мўддоа бўлди. Олдинлари ҚВПга ўзим бориб, керакли муолажаларни олардим, у ердаги шарт-шароитлардан, тиббиёт ходимларининг ҳушмуомала ва билимдонлиқларидан курсдан бўлиб қайтардим. Эндilikда эса, кўзим кўрмаётганлиги сабабли тиббиёт ходимларининг ўзлари деярли ҳар кўни соғлиғимдан хабар олиб туришади. Мен улارни доимо кўл очиб, дуо қиламан. Яна бир нарсани айтиб ўтишим керакки, бу ишларнинг барчаси Президентимиз Ислам Каримовнинг раҳнамоллигида ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг йўл-йўриқлари билан амалга оширилаётганлигига аминман.

Қаромат Холиқова:

– Ха, турмуш ўртоғимнинг айтган фикрларига қўшиламан. Барака топгур дўхтирларимиз айнан биргина турмуш ўртоғимга эмас, хонадонимиздаги келинларим, ўғилларим, невараларим шунингдек, бутун кишлоқ ахлига тиббий хизмат кўрсатаётганликларини ҳамма билади. Айниқса, ҳар хил касалликлар тўғрисидаги суҳбатлари ўзининг тушунарлилиги ва долзарблиги билан касалликларнинг олдини олишга сабаб бўлапти. Яна шуниси борки, касалликлар гоҳида кечқурун хуруж қилиб қолади. Шунда бемалол ҚВПда ишлайдиган шифокор ёки ҳамширанинг уйига мурожаат қилиб борамиз. Ўмрлари зиёда бўлгўрлар қай маҳал бўлса ҳам ўзларининг тиббий ёрдамларини кўрсатиб кетадилар. ҚВПдаги дўхтир кизларим, ўғилларим бутун халқнинг бахтига соғ бўлиб, оилалари тинч бўлсин.

«Саломатлик»
лойиҳаси

Project «Health»

Здоровье

Правительство
Республики
УзбекистанМеждународный банк
реконструкции
и развитияУзбекистон Республикаси Соғлиқни
саклаш вазирлигининг 2001 йил
23 июлдаги
327-сонли буйруғига
9-иловаКИШЛОҚ (ШАХАР) ВРАЧЛИК
ПУНКТИ ПАТРОНАЖ ҲАМШИРАСИ
НИЗОМИ

1. Патронаж ҳамшираси лавозимига ўрта тиббиёт билим юртининг «хамширалик иши» мутахассислиги бўйича битирган мутахассис тайинланади.
2. Патронаж ҳамшираси лавозимига ҳудудий бошқарув соғлиқни саклаш муассасаси раҳбари томонидан тартибди асосида тайинланади ва бўшатилади.
3. Патронаж ҳамширасининг асосий вазифалари:
 - болаларни соғломлаштириш, профилактика тадбирларини ўтказиш;
 - 3 ёшгача бўлган соғлом болалар патронажини ўтказиш;
 - туғилган чақалоқларнинг уйдаги патронажи, боланинг табиий ва раціонал овқатланишининг назорати;
 - соғлом ва касал болалар диспансеризациясида қатнашиш;
 - рахит, гипотрофия, камқонлик ва бошқа болаларга хос касалликларни олдини олиш тадбирларини бажариш;
 - эмлаш ишларини ва ташхис синамаларини қўйиш;
 - қишлоқ (шаҳар) врачлик пункти тасарруфига қирадиган ва шатлардада ўрта тиббий ходимлари йўқ бўлганда, болалар уйи, мактабларда профилактик ишларни олиб бориш;
 - болалар соғлигини сақлаш, болаларни сифатли овқатлантириш, касал бўлганда тиббий ходимларга вақтида мурожаат қилиш, орал регидратация, болаларни жисмоний чиқариш, эмлашлар ҳақида аҳоли ўртасида тиббий-тушинтирув ишларини олиб бориш;
 - ўз соҳаси бўйича врач тавсияси асосида болаларга тиббий ёрдам қўратиш;
 - қишлоқ (шаҳар) врачлик пункти мудирига ҳар бир касаллик ҳақида хабар бериш;
 - Диспансер назоратида турган болаларни кузатиш;
 - қишлоқ (шаҳар) врачлик пунктида болаларни врач қўриғига тайёрлаш;
 - хизмат доирасида бириктирилган болаларнинг йиллик рўйхатини аниқлаш;
 - эпидемиологик вазиятларда кўрсатмалар асосида юқумли касалликлар билан оғирганларни, улар билан мулоқотда бўлганларни ва юқумли касалликларга шубҳали шахсларни аниқлаш мақсадида уйма-уй юриш;
 - махсус аппаратлардан фойдаланиб физиотерапия муолажаларини ўтказиш;
 - эпидемияларга қарши тадбирларни қатнашиш.
4. Патронаж ҳамшираси ўз соҳасидаги ва мутахассислик ҳуқуқларига тегишли равишда врач тавсиясига биноан болаларни даволаш, тиббий муолажаларни бажариш ва профилактик ишларни олиб бориш ҳуқуқига эга.
5. Қишлоқ (шаҳар) врачлик пункти патронаж ҳамшираси ўз ишида ушбу низоми, соғлиқни саклаш буйруқлари, методик қўлланмалар ва кўрсатмаларга таянади.
6. Патронаж ҳамшираси қишлоқ (шаҳар) врачлик пункти мудирига бўйсунди.
7. Қишлоқ (шаҳар) врачлик пунктининг мудир патронаж ҳамширасини ўз соҳасидаги ва мутахассислик ҳуқуқларига тегишли ҳажмда пунктга юклатилган «Патронаж ҳамширасининг низоми»да кўзда тутилмаган вазифаларни бажариш учун жалб қилиш мумкин.
8. Патронаж ҳамшира ўз мутахассислиги бўйича савиясини оширишга мажбурдир.
9. Патронаж ҳамшира ўз соҳасига тегишли бўлган ҳужжатларни ўрнатилган тартибда юритади ва қишлоқ (шаҳар) врачлик пункти мудирига болаларга кўрсатилган даволаш-профилактика ёрдами бўйича ҳисоботлар тақдим этади.

Н.ТУРЕВА,

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш
Бош бошқармасининг бошлиғи.

Умумий амалиёт шифокорларига амалий ёрдам

БОШ ОҒРИҒИ

(Охири. Боши
газетанинг 2002 йил
30 июль сониди).

Мухим жиҳатлари

Зўриқшдан бўладиган
бош оғриғи

- Одатда стресс ёки юз мускуллари ёхуд энгса мускулларини зўриқтирадиган бесарам-жонлик сабаб бўлади.
- Баъзан даволанмай қолган миогия ёки кўзга алоқдор бошқа камчиликлар сабаб бўлиши мумкин.
- Кўпинча кеча-кундуз давомида дам қамаиб, дам зўрайиб туради.
- Ёш ва ўрта яшар жувонлар орасида кенг тарқалган.
- Ҳар кун бўлиб турадиган сурункали бош оғриғига айланб кетиши мумкин.
- Бош оғриғининг такрорланавериши опилатлари, одамни ўзига ўргатиб қўядиган препаратларни ишлатишга сабаб бўлиши мумкин.

Ҳар кун бўлиб турадиган
сурункали бош оғриғи

- Кенг тарқалган касаллик асл сабаблари аниқланган эмас.
- Бош оғриқлари босим бир неча ой давомида бўлиб туради, кейин бир неча кунга тўхташи мумкин.
- Бу касаллик билан аёллар эркакларга қараганда икки баравар кўпроқ оғрийд.
- Анальгетикларни узоқ муддат ишлатиш, яъни «бош оғриғи» дори-дармонлар билан нотиғри дово қилиш ёки «анальгетиклар туфайли бошланган бош оғриғи» асосий сабаб бўлиши мумкин.
- Даво учун анальгетиклар доимий равишда ишлатилмасдан, одамнинг аҳолига қараб ишлатилиши кераклигини беморларга тушунириб бериш керак (бу гап аспири, парацетамол, кодеин, эрготамин ва бошқаларга тааллуқлидир). Дорилар бир неча кун ёки ҳафта ишлатилиши керак.
- Боши оғриб турадиган беморларни қўлаб-қувватлаб бориш ва уларга алоҳида изохлар бериб бориш керак, лекин беморларнинг 40 фоиздан кўпроғида касаллик қайталаниб туради.

Умумий инфекция

- Одатда тана ҳарорати кўтарилиши ва умумий дармонсизлик билан бошланади.
- Йўтал, томоқ оғриғи ва ҳоказолар сингари бошқа симптомлар ҳам кузатилиши мумкин.
- Безғак тарқалган жойларда беморни шу касаллик ҳусида текшириб қўриш керак.
- Синусит (қўлланманинг шу ҳақдаги алоҳида бобига қаралсин).
- Жағ ва пешона пазухалари соҳасининг оғриб, таранглашиб туриши.
- Симптомлар тушдан кейин кучаяди.

Мигрень

- Одатда пешона соҳаси ва бошининг бир томонида оғриқлар пайдо бўлади.
- Такрорий оғриқлар кўпи

билан ҳафтасига икки марта, аксари янада камроқ бўлиб туради.

- Оғриқ хуружи 36 соат атрофида ёки камроқ давом этади.
- Оғриқ хуружи қайт қилиш, ёруғликка қарай олмаслик ва йўқ нарсаларнинг кўзга кўриниши (галлюцинациялар) билан бирга давом этиб бориши мумкин.
- Мигрень бошланғичига йўл очадиган кўпгина омиллар бор, баъзи овқатлар, стресслар, паллартиш овқатланиш, ҳайз олди синдроми ва бошқалар шулар жумласидандир.
- Мигренга кўпгина ҳолларда ирсий мойиллик сабаб бўлади.
- Болалар ва ёши қайтиб қолган кишиларда мигрень кам учрайди.

Сегментар бош оғриқлари
(Мигренсимон невралгия)

- Бу – мигреннинг бир тури бўлиб, кечалари тутиб қолади ва бир кўз соҳаси, пешона ҳамда чакка соҳаларида оғриқ туриши билан ифодланади. Оғриқ хуружи 30 минутдан 3 соатгача давом этади.
- Одатда бир томонлама ринорея, лакримация (кўз ёшининг кўп ишланиб чиқиб, оқиб туриши) ёки конъюнктивалар гиперемияси сингари йўлдош симптомлар пайдо бўлади.
- Бу дардга асосан эркаклар чалинади (6:1).
- Оғриқлар хуруж тарзида бўлиши, яъни кунига бир мартадан саккиз мартагача тутиб туриши мумкин. Бундай ҳол бир неча ҳафтадан бир неча ойгача давом этиши мумкин.

Дори воситалари

- Бемордан унинг қандай дори воситаларини қабул қилишини сўраб, билиб олиш зарур, шу дорилар орасида нитратлар ва бошқалар сингари вазодилататорлар бўлганлиги, балки.

Гранулематоз артериит
(чакка артериити)

- Ўз вақтида диагноз қўйиш жуда муҳим, чунки бу касаллик тез орада кўз кўр бўлиб қолишига олиб келиши мумкин.
- Ёши 55дан ошган беморларда пайдо бўлади.
- Юза артериялар, аксари чакка артерияси таранг тортиб, бўртиб туриши ва пульси бўлмаслиги мумкин.
- Бемор бўйин соҳаси оғриётганидан ва овқат чайнаганида ёки гапирганида оғриқнинг чакка ёки жағ соҳасига ҳам ўтаётганидан нолиши мумкин.
- ESRнинг ўсиб қолгани кузатилади.
- Диагноз аниқ қўйилган бўлса, дарҳол даво бошлаш керак, чунки пайсалланиш кўзининг кўр бўлиб қолишига олиб келиши мумкин.

Менингит

- Одатда бўйин мускуллари ригидлиги ва мусбат Керинг симптоми билан бошланади.
- Одам қайт қилиши ва ёруғликка қарай олмай қолиши мумкин.
- Бирок симптомлар, айниса гомеопил менингитли болаларда суст ифодаланган бўлиши мумкин.

кин; бемор ўз киндигини кўра оладиган қилиб, бошини бема-лол бука оладими-йўқми, текшириб қўриш зарур. Андек гумон туғилганида беморни махсус текширишга юбориш лозим.

Субарахноидал бўшлиққа
кон қуйилиши

- Одатда тўсатдан бошланади. Бемор бундан бўйиннинг орқасига бирдан қаттиқ зарб тушганда бўлди, деб тасвирлайди.
- Бироқ анастомозларнинг узилиши, аневризма авваллари боши оғримайдиган ёш одамларда касаллик симптомлари тўсатдан пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.
- Беморларнинг 30 фоизга яқини боши оғриб турса ҳам, махсус текширишдан ўтмаган, дарди одатдан ташқари тарзда ўтаётган мигрень деб ҳисобланган бўлади.

Мия ўсмаси

- Оғриқлар эртабларни зўраяди ва кўпича қайт қилиш билан бирга давом этади.
- Баъзан ремиссия даврлари бошланади, бу нарсга диагноз қўйиш учун қийинчиликлар туғдиради.
- Беморнинг ўзини тутиши ва табиати ўзгариб қолиши, хотираси сусайиб, диди айниши мумкин.
- Одам йўталганида, аксирганида ва ётган ҳаҳлида бош оғриғи одатда кучаяди.

Гипертоник
энцефалопатия

- Артериал босим жуда баланд кўтарилиб кетган ҳолларни ҳисобга олганда, гипертония бош оғриғига одатда сабаб бўлмайди.
- Ўш ёки IV босқичда ретинопатия бўлиши мумкин.

Сурункали субдурал
гематома

- Ёши қайтиб қолган одамларда бош шикастланганида баъзан бир неча кундан кейин пайдо бўлади.
- Ақл пастлик тарзида намоён бўлиши мумкин.
- Токсик захарланиш
- Механиклар, завод ишчилари ва бошқа кишиларда, шунингдек газ ёки кўмир билан иситилганидан, аммо яхши шомоллатилмайдиган хонада бўлган кишиларда бошланғичи мумкин.
- Субарахноидал бўшлиққа қон қуйилганида, менингитга ёки калла ичидан қон айланиши издан чиққанига гумон туғилганида.
- Гранулематоз артериит (чакка артериити) бошланганида (бу ҳолда давоани пайсалга солиб бўлмайди).
- Атипик мигрень.
- Гипертоник энцефалопатия (Хавфли гипертония) бўлганида.

Зудлик билан чора
қўриш керак.

Агар:

- Дори-дармонлар билан даво қилинганидан кейин бош оғриғи барҳам топмаса
- Боши шикастланган кекса беморларда ақл пастлик белгилари пайдо бўлса
- Чора қўриш зарур.

Редакционный совет:

1. Назиров Ф. Г. — министр здравоохранения Республики Узбекистан;
2. Асодов Д. А. — первый заместитель министра здравоохранения;
3. Даминов Т. А. — ректор ТашММИ-1;
4. Каримов Х. Я. — ректор ТашММИ-2;
5. Максумов Д. Д. — директор Центрального бюро по реализации проекта «Здоровье»;
6. Акилов Ф. А. — начальник Главного управления кадров, науки и учебных заведений МЗ РУз;
7. Ильхамов Ф. А. — начальник Главного управления лечебно-профилактической помощи;
8. Арустамов Д. Л. — директор Центра урологии и оперативной нефрологии;
9. Якумедиярова Р. Г. — координатор проекта «Здоровье»;
10. Фухаевлов Ф. З. — координатор проекта «Здоровье»;
11. Туртаев М. Р. — координатор проекта «Здоровье»;
12. Соликужаева Р. К. — главная медсестра МЗ РУз.

Над спецвыпуском работали: И. СОАТОВА,
Х. РАББАНАЕВ, Ш. САБИРОВА и Р. АРТИКОВ.
Фото: А. НУРАТДИНОВА.

Центральное бюро
реализации проекта
«Здоровье».
Директор —
Максумов
Джамшид
Джамшидович.
700007,
г. Ташкент,
ул. Паркентская, 51,
ТашИУВ, Админист-
ративный корпус, 3-й
этаж.
Контактные телефо-
ны: 68-08-19, 67-73-47.
Факс: 68-25-39, E-
mail: office@scrib.bcc.
com.uz.

Областное бюро
реализации проек-
та «Здоровье»
Ферганской обла-
сти.
Директор —
Зайлобидинов
Гулям Бурханович.
712000,
г. Фергана,
ул. Комус, дом
№ 35.
Контактные теле-
фоны: (8-373-2)
24-37-41.

Областное
бюро реали-
зации проекта
«Здоровье»
Сырдарьинской
области.
Директор —
Ибодуллоев
Аъзам
Абдухаттаевич.
707000,
г. Гулистан,
ул. Насыра
Махмудова.
Контактные теле-
фоны: (8-367-2)
25-27-36.

Областное бюро
реализации проек-
та «Здоровье»
Навоийской обла-
сти.
Директор —
Абдулкадыров
Куддус
Эбдулжелилович.
706800,
г. Навои,
ул. Навои,
дом № 23.
Контактные телефо-
ны: (8-436-22)
3-61-45.

ЯНГИЛИКЛАР

• НОВОСТИ • СОБЫТИЯ
• КОММЕНТАРИИ

БИОТЕХНОЛОГИЯ —

УМР ЎЗАЙИШИ ДЕМАК

Шу кунларда пойтахти-мизда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташаббуси билан «Биотехнологиянинг амалий жиҳатлари» мавзусида халқаро анжуман иш бошлади.

Мамлакатимиз олимлари биотехнология соҳасида юқори технологик ишланмалар яратишга қаратилган фаол илмий тадқиқотлар олиб борилаётганлиги анжуманнинг айнан юртимизда ўтказилишига сабаб бўлди.

Анжуманда иммун танқислиги вирус инфекциясининг табии атини ўрганиш бўйича энг сўнгги ютуқлар, ОИТС инфекциясига йўлқанларни аниқлаш ҳамда ташхисий тест-системаларнинг янги авлодини яратиш кенг муҳокама қилинди.

Биотехнологиялар янги вакциналар ва дори препаратлари ишлаб чиқаришда қўлланилади. Бу борада Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг молекуляр генетика лабораториясида бакуловир вирус технологияси асосида рекомбинат оксиллар олиш усули ишлаб чиқилган. Ушбу антигени ажратиш ва тозалашда Биоорганик кимё институти билан ҳамкорлик қилинган. Янги усул Ўзбекистон Республикаси патенти билан ҳимояланган.

Анжуманда биополимерларнинг тузилиши ва функциялари, тиббиётда ҳужайра биотехнологияси ва биологик хавфсизлик, биотерроризмга бағишланган маърузалар унинг қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотиши табиий.

Тадбирда Ўзбекистон, Қозоғистон, АҚШ ва Россиянинг етакчи олимлари иштирок этдилар.

ТАХЛИЛ ҚИЛИНДИ

2002 йилнинг 25 октябры кунин Тошкент шаҳар «Саломатлик» марказининг мажлислар залида шаҳар давлат-санитария эпидемиология марказларининг эпидемиологлари учун «Эпидемиологик назоратнинг 2 авлоди» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Тадбирни М. Фаворов, А. Ишанов ва М. Исмоиловлар кириш сўзи билан очди. АҚШнинг ОИТС касалликларини назорат қилиш ва унинг олдини олиш маркази СидиСи ва Тошкент шаҳар ОИТС маркази ҳамкорлигидаги ушбу семинарни Собир Усмонов ва профессор Михаил Фаворовлар олиб борди.

Ушбу семинарда ўтган 10 йил давомида эпидемиологик назоратнинг сабоқлари ва камчиликлари таҳлил қилинди. Ўтказилган семинарда келажакдаги ВИЧ-ОИТС касаллигининг олдини олиш бўйича йўриқнома ва ишлаш услуби ҳақида тавсиялар берилди. Хулоса қилиб айтганда, олиб бориладиган эпидемиологик назоратни кўпроқ аҳоли орасида касаллиқни юқтириб олиш ва тарқалишига сабаб бўлувчи «Риск группа» — хавфли гуруҳларга қаратилди. Аҳоли орасида айниса, ёшлар орасида оммавий ахборот, ўқув ишлари билан бу касалликдан сақланиш зарурлиги яна бир бор таъкидланди.

Газетамизга обуна бўлишни унутмадингизми?

Фаолиятлари давомида йўл қўйилган қонунбузарликлар учун лицензияларининг амал қилиши 3 ой мuddатга тўхтатилган юридик шахслар рўйхати

№	Ташкилот, корхона, дорихона муассасасининг номи ва манзили	Лицензия рақами ва берилган сана	Лицензия бериш хайъати қарорлари
1	«Файзи» хусусий тиббий хизмат фирма дорихонаси — Қашқадарё вил. Косон туман, Охунбобоев кўчаси, 143-уй	№1783 2.07.01 й	30.08.02 й 12-сон
2	«Тиббиёт маркази»га қарашли дорихона — Қашқадарё вил. Косон туман, Оброн қишлоғи	№1541 13.03.01 й	30.08.02 й 12-сон
3	«Хиссарак» хусусий фирма дорихонаси (шаҳобча) — Қарши ш., Абдуллаев кўчаси, 2-уй	№1808 2.07.01 й	30.08.02 й 12-сон
4	«Сафар ака» хфд — Бухоро вил. Когон туман, Когон ж/х, Нишовур қишлоғи	№0084 26.04.99 й	30.08.02 й 12-сон
5	«Меҳриғиё» хусусий дорихонаси — Бухоро вил. Ромитан туман, Нурафшон ж/х, Уба қишлоғи	П-0572 25.03.99 й	30.08.02 й 12-сон
6	«Азизабону» хфд — Бухоро ш., Низомий к., 49-уй	№0615 11.08.99 й	30.08.02 й 12-сон
7	«Ал Самандарий» дорихонаси — Бухоро вил.	П1021 лицензия ДШ0081-сон илловаси 22.06.99 й	30.08.02 й 12-сон
8	«Гийёх-97» хусусий дорихонаси — Бухоро ш.	30.08.00 й ДШ№0618	30.08.02 й 12-сон
9	«Шифо» хфд — Наманган вил. Чуст туман, Олмос қишлоғи	№0927 21.12.99 й	30.08.02 й 12-сон
10	«Мунис» хусусий фирма дорихонаси — Оқдарё туман, Даҳбет қўргони, А. Темур к., 58-уй	№1241 13.06.00 й	19.09.02 й 13-сон

Фаолиятлари давомида йўл қўйилган қонунбузарликлар учун лицензияларининг амал қилиши 1 ой мuddатга тўхтатилган юридик шахслар рўйхати

№	Ташкилот, корхона, дорихона муассасасининг номи ва манзили	Лицензия рақами ва берилган сана	Лицензия бериш хайъати қарорлари
1	«Озода» хусусий фирма дорихонаси (шаҳобча) — Жума ш., Хайруллаев к., 4-уй	№0312 8.06.99 й	19.09.02 й 13-сон
2	«Раҳимжон» хусусий дорихонаси — Иштихон т-н, Жўраев ж/х, Халқобод қишлоғи	№1115 28.03.00 й	19.09.02 й 13-сон
3	«Мунистон» хусусий корхона дорихонаси — Каттакўрган ш., Шавқий к., 17/1 уй	П1150 1.04.99 й	19.09.02 й 13-сон

Ўз аризаларига мувофиқ лицензияларининг амал қилиши тугатилган юридик шахслар рўйхати

№	Ташкилот, корхона, дорихона муассасасининг номи ва манзили	Лицензия рақами ва берилган сана	Лицензия бериш хайъати қарорлари ва санаси
1	«Сандил» масъулияти чекланган жамият дорихонаси — Тошкент ш.	№2130 9.01.02 й реестр рақами 780-02	30.08.02й 12-сон
2	«Уй-рўзгор моллари» фирма дорихонаси — Тошкент ш.	№0790 26.10.99й	30.08.02й 12-сон
3	«Тибветфарм» хфд — Тошкент ш.	№0693 28.09.99й	30.08.02й 12-сон
4	«Нодира Акбар» мчж дорихонаси — Тошкент ш.	№1266 13.06.00й	30.08.02й 12-сон
5	«Нур фарм» хфд — Тошкент ш.	№1602 18.04.01й	30.08.02й 12-сон
6	«Гийёхўжа» хфд — Тошкент ш.	П-0138 15.03.99й	30.08.02й 12-сон
7	«YADI» мчж дорихонаси — Тошкент ш.	№1004 2.02.00й	30.08.02й 12-сон
8	«Мединтех» корхона дорихонаси — Наманган ш.	№1636 18.04.01й реестр 215-01	30.08.02й 12-сон
9	«MUNIDDIN NOSIR» хфд — Тошкент ш.	№1973 10.10.2001й реестр 601-01	19.09.02й 13-сон
10	«Хайвонотчилик питомниги» шўъба корхонаси	№0583 17.08.99й	19.09.02й 13-сон
11	«Тимис фарм» хусусий корхона дорихона ва шаҳобчаси — Тошкент ш.	П0955 1.04.99й ДШП0267 1.04.99й	19.09.02й 13-сон
12	«Нурлан Диёр» ишлаб чиқариш тижорат ва савдо хусусий фирмаси дорихонаси — Қашқадарё вилояти	№2122 9.01.02й	19.09.02й 13-сон
13	«Интизор она» хусусий фирмаси — Тошкент ш.	№2058 29.11.01й	19.09.02й 13-сон

Лицензияларининг амал қилиши қайта тикланган юридик шахслар рўйхати

№	Ташкилот, корхона, дорихона муассасасининг номи ва манзили	Лицензия рақами ва берилган сана	Лицензия бериш хайъати қарорлари
1	«Назарий-Н» хусусий дорихонаси — Термез ш.	№0841 23.11.99й	30.08.02й 12-сон
2	«Боташ» хусусий дорихонаси — Термез ш.	П-2409 29.02.00й	30.08.02й 12-сон
3	«Ишонч» хусусий дорихонаси — Термиз ш.	П-2330 30.04.99й	30.08.02й 12-сон
4	«Людмила» хусусий дорихонаси — Термез ш.	П-1255 1.04.99й	30.08.02й 12-сон
5	«Муқаддас» хфд — Тошкент вилояти	П-0245 19.05.99й	19.09.02й 13-сон

(Охири. Боши ўтган сонда)



Куз манзараси.

• **Биласизми?**

Жахон пазандалигида аччиқ қалампирни кўплаб ишлатадиган халқлар японлар, корейлар, хитойлар, ҳиндистонликлар, венгерлар ва мексикаликлардир.

Уйғурлар лағмонга жуда уста, айниқса қайласини жуда тотли пиширишади. Италияда ҳам макарон учун пишириладиган қайлага кетадиган масалликлар уйғур пазандалигига монанд: турп, карам, бақлажон, саримсоқ, гўшт, ёғ, пиёз, гармдори ва сирка қўшилади.

Бир кунда бир одам ейдиган таомнинг режали микдори куруқ вазнда 1 кг ҳисобланади. Бунда 750 гр ўсимлик масалликлари, 250 гр эса ҳайвонот масалликларидан иборат бўлиши керак. Унда ҳар бир кишига бир йилда ўрта ҳисобда 270 кг сабзавот, мева-чева, дон-дун ва бошқа ўсимлик маҳсулотлари ва 90 кг гўшт, баллиқ, тухум ҳамда сут маҳсулотлари каби ҳайвонот масалликлари даркор бўлади.

Хитойлар сут ичишмайди. Маскаёғ билан сариёғни эса айниган сут деб билишади. Лекин во ажаб! Урдақ тухумини атайлаб палағда қилиб, сўнгра ейишади.

**ОПРЕДЕЛИТЕ СВОЙ
ТИП КОЖИ**

Ухаживая за кожей сегодня, мы заботимся о своем будущем. Ведь женщины с хорошей кожей прекрасно выглядят в любом возрасте. Если ваша кожа не так хороша, как вам бы этого хотелось, положение нередко можно исправить, так как лицо очень быстро отвечает на заботу. Подбор средств в соответствии с вашим индивидуальным типом кожи – первый шаг на пути к сохранению ее красоты и здоровья. Косметологи выделяют 4 основных типа кожи:

СУХАЯ КОЖА

Для этого типа характерны:

- особая чувствительность к стрессовым воздействиям и неблагоприятным погодным условиям;
- периодическое шелушение в области щек, лба и рта;
- частое ощущение «стягивания» лица;
- преждевременное появление тонких морщинок.

В молодости сухая кожа выглядит великолепно. Но если за ней ухаживать неправильно, недостаток влаги и жира скажется очень быстро, а перемены во внешнем облике будут заметны уже к 25 годам. Ведь сухая кожа склонна к преждевременному старению.

**НОРМАЛЬНАЯ И
СМЕШАННАЯ КОЖА**

Нормальным типом кожи могут обладать люди разных возрастов. Однако он встречается довольно редко. Нормаль-

ная кожа выглядит упругой и здоровой и редко бывает чувствительной к раздражениям. Иногда наблюдается небольшая сухость вокруг глаз и рта. Смешанный тип кожи представляет собой комбинацию сухих и жирных участков. Но различия между ними выражены не сильно. Средняя часть лица (лоб, нос и подбородок), так называемая Т-образная зона, – жирная и может иметь угри и прыщи, тогда как щеки кажутся нежными и сухими. В зрелые годы смешанная кожа почти всегда изменяется в сторону нормальной.

Если тип вашей кожи – смешанный, вам необходимо использовать комбинацию средств для разных типов кожи.

ЖИРНАЯ КОЖА

Жирный тип кожи обычно встречается в юном возрасте. Для такой кожи характерны:

- неровная поверхность;
- легкий блеск, вызываемый избытком вырабатываемого жира;
- предрасположенность к возникновению прыщей и угрей.

Ежедневная программа ухода за жирной кожей выглядит так. Вечером необходимо основательно очистить кожу. Удаляя макияж, протрите лицо ватным тампоном, смоченным в капустом соке или соке винограда. Следующий этап – тонизирование. Используйте тоники и лосьоны. Утром жирную кожу следует очищать так же, как вечером.

Для вас женщины

СМЕЙТЕСЬ НА ЗДОРОВЬЕ

Хорошее настроение – залог (не в последнюю очередь) крепкой иммунной системы. Это показали исследования, проведенные американскими медиками, учеными Питтсбургского университета, изучавшими реакцию на прививку против вирусного гепатита В у 84 добровольцев. Те же результаты получили в университете Огайо. Там эксперименты показали, что эффективность прививок от пневмонии была меньше у людей с эмоциональными расстройствами и выше у тех, кто большей частью пребывал в хорошем настроении. Ученые связывают влияние психологических факторов с состоянием, связанным с изменениями в гормональной системе.

Основной причиной облысения медики считают наследственность в сочетании со слабой работой гормонов, плохое питание, стрессы, анемию, прием лекарств с побочным эффектом и не на последнем месте – неправильный уход за волосами. 75 процентов мужчин страдают плешивостью, иногда эта беда подстерегает и женщин.

Знаменитый американский врач и прорицатель Эдгар Кейси еще в начале XIX века имел свою теорию по этому вопросу. По его мнению, неправильная диета – недостаток кальция или излишек калия – ведет к нарушению функции надпочечников, а потому к их облысению. Важное значение имеет и правильная работа щитовидной железы. Свою отрицательную роль играют инфекции, стресс и различная «химия».

Э. Кейси предлагает ле-

**«ДИЕТА ДЛЯ
ЛЫСИН»**

чить нарушенную работу желез прежде всего подходящей диетой: много моркови, салатов, сельдерея, крапивы, редиски и других овощей. По возможности раз в неделю (а лучше чаще) есть морскую рыбу. Основной элемент этой диеты – картофельная кожура: три раза в неделю, хорошо сваренная. Можно есть и печеные очистки, главное – не поджарившие. В продукты добавляйте морскую или йодированную соль.

Работу щитовидной железы и кровоснабжение кожи головы (а это очень важно для сохранения волос) можно улучшить соками цитрусовых. Подходит для этого и желатин, который помогает лучшему усвоению витаминов из плодов и овощей. Хорошо также лакомиться абрикосами и курагой, вареной кожурой яблок.

Кейси предупреждает: избегайте продуктов, содержащих крахмал и белый сахар во всех вариантах, не ешьте жирную и жареную пищу. Он предлагает не сочетать вместе сок цитрусовых и зерновые и не добавлять молоко и сливки в кофе и чай. Не следует принимать вместе печеное, картофель и белый хлеб. Лучше есть морские продукты, побольше моркови, чеснока и лука, избегая сладкого.

Кровообращение кожи головы можно улучшить гимнастикой. Голову наклоняем медленно назад, вперед и в сторону (3-4 раза). Это упражнение повторяют трижды в день. Полезен массаж и втирание в кожу головы кофейной гущи, имея, однако, в виду, что она окрашивает в коричневый цвет.

Красивой вам шевелюры!

**МУТОАЛА
ҚИЛГАНДА...**

Ўқши – ўзгаларнинг фикрлари, ёрдамида ўз шахсий фикрларингни яратиб демакдир.

Н. Рубакин.
Бирон буюк асардаги ҳамма нуқталарни тула ҳазм қилмоқ учун уни шошилмади ўқиб чиқиб қорак ва бошқа асарга ўтишдан аввал ўзоқ вақт нафасни ростлаб зарур.

А. Бэн.
Мушоҳада юритмасдан ўқиб овқат ҳазм қилмаслик билан баробар.

Э. Борк.
Ҳар қандай мутоала ҳам узук-юлук ва сочма фикрларни ўқитган пайтадигидай қатъий ўлчов талаб қилмайди.

И. Гердер.
Ўз-ўзинга зид келиш ва ниманидир йўққа чиқариш учун эмас, кўр-кўрона ишонч учун эмас, суҳбатга гап топиш учун эмас, фикрлар ва мулоҳаза юритиш учун ўқи.

Ф. Бэкон.
Ўқиб тушунамаслик – ҳеч нарса ўқиман билан баробар.

Я. Каменский.
Китобни ўқиб чиқиб, уни тўғри тушуниш бу эзуви дарахсига кўтарилиш демакдир.

П. Павленко.
Секин ўқишга ярқис китобларни умуман ўқимаса ҳам бўлади.

Э. Фагэ.
Китобнинг сиртки гузаллиги ва кўплигидан эмас, балки ундаги фикрлар ва ниманики ёзилган бўлса, ҳаммасидан фойдаланиш керак.

А. Лукин.
Емон ўқиб – лой қаплаб ташлаганлиги туфайли ҳеч нима кўриб бўлмайдиган ҳеҳ-раз айнасиға ўхшайди.

В. Сухомлинский.

Тўпловчи Акбар АЛИЕВ.

**«Ўзбекистонда
соғлиқни сақлаш»****«Здравоохранение
Узбекистана»**

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги

**Бош муҳаррир:
С. ОРИПОВ,
профессор.**

Ижрочи муҳаррир:
И. СОАТОВА.

Тахрир хайъати:
М. МИРАЛИЕВ, П. МИРЗОДатов
(Бош муҳаррир ўринбосарлари),
Х. РАББАНАЕВ.

Манзилимиз: 700060, Тошкент,
Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 133-13-22; тел. 133-57-73.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида
рўйхатга олинган, гувоҳнома № 00504.

Адади 10.000 нуска.
Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади.
Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади.
Мақолалар кўчириб босилганда «Ўзбекистонда соғлиқни
сақлаш»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.
Буюртма Г-916.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонасида чоп
этилади. Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.
Ҳажми 2 босма тобик. Формати А3. Офсет
усулида босилади. Газета IBM компьютерда
тертилади ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда
далилларнинг тўғрилиги учун реклама
ва эълон берувчилар масъулдир.

Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚУШОКОВ.
Босмахонага топширилиш вақти 20.00.